

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

М. З. ЗИЁДУЛЛАЕВ, Ж. Х. ЮЛДАШЕВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА
ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ
ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқув-методик қўлланма

Тошкент – 2017

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят-ноширлик кенгашида маъқулланган*

Масъул муҳаррир:

юридик фанлар доктори, профессор **И. Исмаилов**

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи **Б. У. Шорихсиев**;
юридик фанлар номзоди, доцент **Ж. С. Мухторов**

3-60 Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида паспорт тизимини таъминлаш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари: Ўқув-методик қўлланма / М. З. Зиёдуллаев, Ж. Х. Юлдашев; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, проф. И. Исмаилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 82 б.

Ушбу ўқув-методик қўлланмада «паспорт тизими» тушунчаси, моҳияти ва уни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш, шунингдек турган жойи бўйича ҳисобга олишнинг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ёритилган.

ИИВ Академияси тингловчи-курсантлари, илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)1я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017

КИРИШ

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси билан қатор давлатлар ўртасида имзолаган битимларга асосан фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш тартиблари соддалаштирилди. Дипломатик паспортга эга бўлган айрим чет эл фуқароларига мамлакатимиз худудига визасиз келиб-кетиш ҳуқуқи берилди.

Республика иқтисодиётининг хорижий инвестициялар учун очиқлиги таъминланиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва республикада бўлиши учун мавжуд бўлган кўплаб маъмурий тақиқ ва чекловлар олиб ташланди. Мамлакатимизда ишбилармонлик алоқалари ва туризмнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор хорижий давлатларнинг фуқаролари учун қулайликлар яратилди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини назорат қилиш, шунингдек уларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш вазифаси ички ишлар органлари зиммасига юклатилган. Бу ўринда паспорт тизимини таъминлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек хорижга чиқиш-келиш масалаларини ҳал этиш сингари вазифалар ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, 1995 йилдан бошлаб республикада фуқароларига миллий паспортлар «Дилетта» паспорт чоп этиш қурилмалари орқали расмийлаштириб берилди бошланди. Ушбу жараёни автоматлаштириш, фуқароларни идентификация қилиш ва улар юзасидан маълумотлар тўпламига эга бўлиш мақсадида 1997 йилнинг 1 январидан ИИВнинг барча хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилиб, фуқароларга паспортлар шу тизим орқали расмийлаштирила бошланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2240-сонли Фармонининг қабул қилиниши (1999 йил 26 февраль) бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур фармон бир неча йиллар давомида республикада паспорт тизимини самарали таъминлашга хизмат қилди.

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш, хусусан, унинг олдини олиш самарадорлигини ошириш, шахсни тасдиқловчи хуж-

жатларни қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш талаби ички ишлар органлари зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқароларини бутун дунё андозаларига мос келадиган биометрик паспорт билан таъминлаш вазифасини юклади. Қолаверса, сўнгги йилларда мамлакатнинг у ёки бу минтақасида юзага келган объектив шароитни инобатга олмайдиган нотўғри миграция сиёсати меҳнат ресурсларининг бир ҳудудда тўпланиб қолиши, криминоген вазиятнинг янада оғирлашишига олиб келишини инобатга олиб, давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида фуқароларнинг (яшаш учун, таътилга ва ҳ.к.) чегара ва тақиқланган зоналарда, шунингдек алоҳида нормалар ўрнатилган минтақаларда кўчиб юришини назорат қилиш зарурати юзага келди. Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида шахсни прописка қилишнинг ўзига хос тартибини ўрнатувчи нормаларнинг қабул қилинганлиги ҳам юқорида келтириб ўтилган омиллар билан бевосита боғлиқдир. Шу боис, ҳозирги вақтда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилишнинг ўзига хос тартиби белгиланган.

Ушбу ўқув-методик қўлланмада паспорт тизими тушунчаси ва моҳияти, уни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олишнинг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ёритилган.

ПАСПОРТ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Паспорт тизими XV асрда Германияда аҳолининг ҳаракатини тартибга солиш ва деҳқонларни ер эгаларининг ерларига бириктириш мақсадида вужудга келган. Сўнгра эса ушбу тизим ушбу мамлакатдан Европанинг бошқа давлатларига ҳам ёйилиб кетган¹. XVII асрда Россияда қарор топган паспорт тизими Чор Россияси ва Собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги даврида бизнинг мамлакатимизга ҳам кириб келди. Ушбу даврларда Иттифоқ давлатлари қатори, Ўзбекистонда ҳам паспорт тизимининг айрим тартиблари қарор топа борди. Хусусан, 1925 йилнинг 28 апрелида ўрнатилган тартибга кўра, шаҳарлар ва шаҳарчаларга уч кундан ортиқ келганлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари лозим эди².

СССР Марказий ижроия қўмитаси ва Совет халқ комиссариатининг 1932 йил 27 декабрдаги «СССР бўйлаб ягона паспорт тизимининг ўрнатилиши ҳамда унинг мажбурий пропискаси тўғрисида»ги³ қарори қабул қилинди. Ушбу норматив ҳужжат бутун Совет Иттифоқи ҳудуди, шу жумладан, Ўзбекистон ССР бўйлаб ягона паспорт тизимининг жорий этилишига асос бўлди. Қарорга асосан илгари амалда бўлган барча шахсни тасдиқловчи ҳамда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар бекор қилиниб, паспорт фуқаро шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатга айланди. 1937 йилдан бошлаб, паспортларга суратлар ёпиштирила бошланди⁴.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда эса манзил-маълумот хизмати қариндошлари билан алоқасини йўқотган шахсларни қидириб топишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Паспорт хизматлари ходимларининг ҳаракатлари юз минглаб ота-оналар, болалар, ака-ука ва опа-сингилларга қариндошлик ришталарини тиклаш имконини берди. СССРнинг тарқалиб кетиши МДХ мамлакатлари бўйлаб, шу

¹ Қаранг: *Ерохин О. Е., Олейников А. И.* Паспортно-визовая служба органов внутренних дел: Курс лекций. – Екатеринбург, 2001. – С. 5–6.

² *Попов В.* Паспортная система советского крепостничества // Электрон манба: http://www.oldmikk.ru/Page3_let_passport.html (мурожаат вақти: 07.03.2015).

³ Қаранг: Собрание законов и распоряжений Рабоче-крестьянского Правительства СССР. – 1932. – № 84. – Ст.516 // Электрон манба: <http://docs.cntd.ru/document/901958829> (мурожаат вақти: 10.04.2015).

⁴ *Ерохин О. Е., Олейников А. И.* Паспортно-визовая служба органов внутренних дел: Курс лекций. – Екатеринбург, 2001. – С. 5–6.

жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам катта миграция оқимини келтириб чиқарди. Бу билан манзил-маълумот ишларининг аҳамияти кескин равишда ортиб борди¹.

Шу тариқа паспорт тизими ўтган давр ичида ривожлана бориб, уни таъминлаш давлатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда савол туғилади: *паспорт тизими нима ва у ўз ичига қайси қоидаларни қамраб олади?*

Бугунги кунда ҳуқуқ назарияси ва амалдаги маъмурий қонунчиликда «паспорт тизими» тушунчаси ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги, ушбу назорат турининг мазмуни ҳамда амал қилиш доирасини аниқлаштириш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолат юзасидан ягона хулосага келиш учун «паспорт тизими» тушунчаси ҳамда таркибини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш талаб этилади.

«Паспорт тизими» тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича талқин этиб келинмоқда. Аксарият олимлар ушбу тушунчанинг моҳиятини ҳуқуқий нормалар йиғиндиси сифатида тушунсалар, бошқалар паспорт тизимига унинг амал қилиши учун зарур бўлган юридик усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қарайдилар. Хусусан, А. П. Коренев паспорт-регистрация тизимига «ички ишлар органлари томонидан паспорт ва фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни бериш, алмаштириш, фойдаланиш ва олиб қўйиш тартибини, давлат ҳудудида аҳолининг ҳаракатланишини тартибга солиш мақсадида фуқароларни ҳисобга олиш ва қайд этиш, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни ифодалайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир», деб таъриф беради. Ҳуқуқшунос олим А. Б. Ахматовнинг фикрича, паспорт тизими – бу фуқароларни доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича ҳисобга олиш ва паспортлаштиришни назарда тутувчи нормалар йиғиндисидир². В. М. Манохин паспорт тизимини – шахсда паспортнинг мавжудлиги, паспорт эгасининг рўйхатга олиниши, яъни унинг яшаш жойида прописка қилиниши, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик каби учта

¹ Тошметов А. Қонунийликни таъминлаш йўлида // Қалқон. – 2008. – №11. – Б. 4–7.

² Ахматов А. Б. Паспортно-регистрационный режим Кыргызской Республики: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2011. – 25 с.

элементдан таркиб топишини келтириб ўтади¹. Ушбу таърифда паспорт тизими томонидан назорат қилинадиган ҳаракатлар доираси жуда тор изоҳланган. Чунки, паспорт тизими фақатгина фуқаронинг паспортга эгалик қилиши билан боғлиқ ҳолатни эмас балки, паспорт тизимини таъминловчи органлар тизими, шунингдек паспорт тизимини таъминлаш усуллари ва воситаларини ҳам ўз ичига олади.

А. А. Кармолицкий ҳам паспорт тизимини «паспортларни бериш, алмаштириш, олиб қўйиш, шунингдек, фуқароларни рўйхатга олиниш тартибини белгиловчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар мажмуи»² сифатида таърифлайди. Муаллиф бунда паспорт тизими қоидалари орқали тартибга солинадиган муносабатларни тўлиқ келтирмаган. Бу эса паспорт тизимининг барча имкониятларини очиб бера олмайди. Масалан, паспорт тизими орқали фақатгина паспорт бериш, алмаштириш, олиб қўйиш эмас, бундан ташқари ундан фойдаланиш, ноқонуний деб топиш ҳамда маҳрум қилиш, шунингдек, уни ваколатли органларда белгиланган тартибда сақлаш ва йўқ қилиш тартиби ҳам белгиланади.

Тадқиқотчи Ф. Раҳимов эса паспорт тизимига алоҳида ҳуқуқий институт, яъни «мамлакат фуқаросига ёки бошқа бир жисмоний шахсга унинг бирор бир давлатга мансублигини ёки бошқа бир ҳуқуқий жиҳатдан мансублигини тасдиқловчи паспорт бериш, алмаштириш, паспорт бериш билан шуғулланувчи давлат органлари тизими, уларнинг ҳуқуқий мақоми ёки ваколатлари тизими билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар» сифатида қарайди³. Фикримизча, ушбу таъриф бир қатор жиддий эътирозларга сабаб бўлади.

Биринчидан, паспорт тизимининг мақсади ва вазифалари (масалан, жамоат тартибини сақлаш, аҳоли миграциясини тартибга солиш ва ҳ.к.) эътибордан четда қолган.

Иккинчидан, паспорт тизими қоидалари қайси нормалар билан белгиланиши ва уни бузганлик учун жавобгарликни мавжудлиги изоҳланмаган.

Фикримизча, «tizim» тушунчасининг моҳиятини очиш орқали паспорт тизими тўғрисида ягона тўхтамга келиш мумкин. «Tizim»

¹ Манохин В. М., Адушкин Ю. С., Багишаев З. А. Российское административное право. – М., 1996. – С. 435.

² Алехин А. П., Кармолицкий А. А., Козлов Б. М. Административное право Российской Федерации: Учебник. – М., 1997. – С. 638.

³ Раҳимов Ф. Паспорт тизими тушунчаси ва унга оид назарий-ҳуқуқий қарашлар // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2014. – Б. 116.

сўзи юнонча «systema» сўзидан олинган бўлиб, «қисмлардан ташкил топган бутун, мажмуа» деган маънони англатади¹. Профессор Х. Т. Одилқориевнинг фикрича, «тизим» – бу атроф муҳитдан, ижтимоий муҳитдан ажратиб олинган ўзаро ички муносабат ва алоқалар асосида бирлашган бир қанча элементлар ва улар таркибий тузилмаларининг яхлит бир бутунлигидир². Тизим, энг аввало – бу яхлитлик, унинг таркибий қисмларининг бирлашиши эҳтиёж-зарурат туфайли юз беради³. Демак, тизим бир бирини тақозо этувчи ички умумий бирликка эга бўлган элементлар йиғиндиси ҳисобланади. Бу элементлар ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиб, улар яхлит бир бутунликни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан паспорт тизими ҳам ўз ичига унинг амал қилиши учун зарур бўлган ҳамда маълум бир мақсадга қаратилган ички муносабат ва алоқалар асосида бирлашган бир қанча элементлар ҳамда улар таркибий тузилмаларининг яхлит бир бутунлигидир. Кўриниб турибдики, «тизим» тушунчаси мазмуни жиҳатидан кенгроқ тушунча ҳисобланади.

С. Т. Ахмедованинг «шахсни тасдиқлайдиган паспортларни бериш ҳамда аҳолини ҳисобга олиш, унинг мамлакат ҳудудидаги ҳаракатини тартибга солиш, конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларининг амалга оширилишини, фуқароларнинг ўз бурчларини бажаришларини таъминлаш, жамоат тартиби ва давлат хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида аҳолини истиқомат жойида рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш тартибини белгилаб берадиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси»⁴ дея паспорт тизимига берган таърифида паспорт тизимига бир қатор муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси сифатида қаралиши ҳам ушбу тушунчанинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди. Юқорига келтирганимиздек, паспорт тизими ўз ичига фақатгина ҳуқуқий нормаларни эмас, балки фаолиятни ташкил этишда муҳим бўлган усул ва воситалар, шунингдек ваколатли органлар тизимини ҳам қамраб олади.

Аксарият муаллифлар паспорт тизими (ёки паспорт-регистрация тизими) деганда, паспорт ва қайд этиш (регистрация) соҳаларидаги

¹ Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т., 2004. – Б. 398; Общая теория государства и права / Под общ. ред. проф. В. А. Кучинского. – М., 2004. – С. 208.

² *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. – Т., 2008. – Б. 16–17.

³ *Таджикханов Б. У.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида демократик ислохотлар. – Т., 2005. – Б. 11.

⁴ Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик / Юридик фанлар доктори, проф. У.Таджикхановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 246.

бир қатор ҳолатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунадилар. Шу билан бирга, айрим олимлар «паспорт тизими» тушунчасини ҳуқуқий нормалар билангина изоҳлаб бўлмайдилар, деб ҳисоблаган ҳолда бундай ёндашувнинг ниҳоятда тор эканлигини таъкидлайдилар. И. В. Кузурманова ушбу тушунчага алоҳида ёндашиб, ҳуқуқий нормалардан ташқари паспорт тизими элементларига принциплар, функционал муҳит, мақсадли вазифалар, давлат ҳокимияти ва индивид ўртасидаги муносабатлар йиғиндиси, техник воситалар ва моддий ташувчиларни киритади¹. Д. Н. Бахрах эса «паспорт тизими – мамлакатнинг умумий маъмурий тизимининг бир қисми эканлигини, унинг қоидалари барча фуқароларга бирдек тегишли бўлганлиги учун уни қандайдир алоҳида вазиятларга тенглаштириш керак эмас»лигини таъкидлайди. Ёпиқ маъмурий-худудий режим, фавқулодда ҳолат, чегара ҳудудлари каби махсус маъмурий-ҳуқуқий режимдан фарқ қилади»².

Бизнингча ҳам, паспорт режими паспорт тизимига нисбатан торроқ тушунча ҳисобланади. Паспорт режими – ички ишлар органларининг паспорт тизими қоидаларини бажаришга қаратилган тадбирлар йиғиндисидир³. Паспорт тизими маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Паспорт тизими фақатгина фуқароларга паспорт олиш, уни белгиланган тартибда сақлаш (фойдаланиш), доимий ёки вақтинча рўйхатда туриш каби мажбуриятларни юклагандан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини (мулкка эгаллик қилиш, меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ва ҳ.к.) амалга ошириш имконини берувчи шарт-шароитлар яратишга, шунингдек фуқаролар, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, паспорт тизими асосини ташкил қилувчи воситаларни келтириш мумкин. Уларга паспорт тизими соҳасидаги аниқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган шакллари ҳар хил (қонун, фармон, қарор, фармойиш ва ҳ.к.) бўлса-да, тартибга солишдек ягона мақсадга хизмат қилувчи ҳуқуқий нормалар; ушбу нормалар таркибига кирувчи юридик фактлар ва санкциялар, тизим амал қилишида асосий ўринни эгалловчи раҳбарий ғоялар (принциплар), тизимни амалдаги ҳолатда сақловчи ва ривож-

¹ Кузурманова И. В. Паспортная система Российской Федерации и её использование в деятельности пограничных органов Федеральной службы безопасности: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 30.

² Бахрах Д. Н. Административное право России: Учебник для вузов. – М., 2002. – С. 157.

³ Пограничный словарь. – М., 2002. – С. 150.

лантирувчи давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, ташкилий институтлар (ваколатли давлат органлари, хизматлари, ташкилотлари) ҳамда уларнинг мажбуриятлари, тизимни тартибга солувчи усул ва воситалар киради.

Шу нуқтаи назардан, паспорт тизимига *«шахсни ҳужжатлаштириш, унинг мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш йўлида уни прописка қилиш ва ушбу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик тартибини белгиловчи, шунингдек, бу борадаги фаолиятни таъминловчи ваколатли субъектлар, усул ва воситалар мажмуидан иборат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси»* деб таъриф бериш мумкин.

Паспорт тизими фуқароларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилишини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Фуқаролар ўз ҳаёти давомида ўзаро ва давлат органлари, жамоат ташкилотлари билан турли хил муносабатларга киришадилар. Фуқаро ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида уларда ўз номидан иштирок этади, бунда қатъий индивидуаллашган, яъни бир қатор биометрик ва биографик белгиларга эга бўлган томон сифатида намоён бўлади. Фуқаро ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида бу белгилар (фамилия, исм, ота исми, туғилган вақти ва жойи кабилар) унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатда мустаҳкамланади.

Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- *паспорт;*
- *туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;*
- *ҳарбий хизматчилар (офицерлар) учун шахсий гувоҳнома;*
- *хизматга чақирилган ёки контракт бўйича ёлланган аскарлар ва сержантлар учун ҳарбий билет;*
- *озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахслар учун бундай жойлардан бўшатишганлиги ҳақида маълумотнома;*
- *ички ишлар органлари томонидан бериладиган бошқа ҳужжатлар.*

Шахсни тасдиқловчи асосий ҳужжат паспорт ҳисобланади. Фуқарода паспортнинг мавжудлиги кўп ҳолларда унинг аниқ субъектив ҳуқуқларини тасдиқлайди. Масалан, паспортни ҳокимият органларини сайлашда иштирок этишда, ишга ёки ўқишга киришда, никоҳни қайд этишда, айрим фуқаровий-ҳуқуқий битимларни тузишда ва бошқа ҳолларда тақдим этиш зарур. Шу ўринда «паспорт» тушунчаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Паспорт (фр. passport) – шахсининг қайси давлат фуқароси эканлигини қайд этувчи ҳужжат

бўлиб¹, паспорт тизими қоидаларига риоя қилишни назорат қилишда деярли барча ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар у билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Яъни паспортни ўз вақтида олиш, тегишли тартибда сақлаш ва асрашни таъминлашга қаратилади. Шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, паспорт бир қатор жиддий белгилар ва хусусиятларга эга. Яъни: у фуқароликка мансубликни тасдиқлайди; унда фуқаронинг шахсига тааллуқли асосий маълумотлар акс этади; ушбу ҳужжат ягона шаклга эга бўлиб, марказлашган тартибда тайёрланади; у сохталаштиришдан сақловчи ҳимоя воситаларига эга; уни гаров сифатида қабул қилиш мумкин эмас; ундан нусха кўчирилиши мумкин эмас; уни йўқотганлик учун – маъмурий, ғаразли ёки паст ниятларда эгаллаганлик, йўқ қилганлик учун эса – жиноий жавобгарлик белгиланган.

Давлат органларининг энг муҳим вазифалари – қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамоат тартибини сақлаш, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланса, ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида аҳоли ҳисоби ва статистикаси, аҳолининг ички миграциясини (кўчишини) тартибга солиш билан чамбарчас боғлиқ паспорт тизими катта аҳамият касб этади. Паспорт тизими давлат хавфсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ундан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни содир этган шахсларни қидириш фаолиятида кенг фойдаланади. Ички ишлар органлари томонидан ҳудудда паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини назорат қилишнинг аҳамияти шундаки, ушбу фаолият тури орқали улар ҳудуддаги шубҳали бегона шахсларни аниқлаш, тайёргарлик кўрилатган жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф қилиш, хизмат ҳудудидаги аҳоли билан алоқа ўрнатиш, айниқса уларнинг ишончига кириш имконига эга бўладилар. Қолаверса, баъзи кўшни давлатлардаги нотинч вазият, жумладан, халқаро хусусиятга эга бўлган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси чегараларини мустаҳкамлаш ва мамлакатга турли ният ва мақсадлар билан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар устидан назорат олиб боришни тақозо этади. Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи аҳолини ҳамда унинг миграция оқимини ҳисобга олиш жамиятда юз бераётган

¹ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, проф. У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. □ Б. 278.

жараёнларни бошқаришнинг илмий ва асосли бўлишини таъминлашга, жорий ва истиқболли режалаштиришнинг самарадорлигига, шунингдек ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш ва қайта тақсимлашга хизмат қилади.

Аҳолининг жорий оператив ҳисоби фуқароларни қайд этиш жараёнида амалга оширилади. Ички ишлар органлари паспорт хизматларининг яшаш учун келган ва бошқа жойларга кетган фуқароларининг сони ҳақидаги маълумотларидан давлат статистика органлари вилоят ва умуман республика миқёсида кейинчалик умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун дастлабки материал сифатида фойдаланадилар. Аҳолини қайд этиш (рўйхатга олиш) статистик ҳисоб билан бир вақтда фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга ҳам имкон беради. Шахсий ҳисоб маълумотларидан муайян шахсларнинг яшаш жойини аниқлаш учун манзиллар бўйича маълумотлар бериш ишида фойдаланилади. Фуқароларнинг статистик ва шахсий ҳисобига оид маълумотлар, шунингдек фуқаро ҳимояси бўйича органларга аҳолини эвакуация қилиш режаларини тузиш ҳамда бошқа тадбирларни ўтказишда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўйича бўлимлари ва бошқа органларига ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва мажбур шахслар билан ишлаш учун зарур. Паспорт тизими аҳоли кўчиб юришини назорат қилиш ва тартибга солишнинг энг муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланади. У турли жойларда яшаш ва бошқа ҳудудларга яшаш учун кўчиш борасида махсус қоидалар ўрнатиш орқали аҳоли миграциясини тартибга солиб, шу билан бирга фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги ҳуқуқи амалга ошишига тўсқинлик қилмайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонуни билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тасдиқланган. Ушбу қонун жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшаши ёки вақтинчалик бўлиши фактини аниқлашни назарда тутди. Ушбу қонунга кўра, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиниши мумкин бўлган шахсларнинг қатъий рўйхати белгиланган бўлиб, унда келтирилган маълум тоифадаги шахсларгина

ушбу ҳудудларда доимий рўйхатда туриш ҳуқуқига эгалар. Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш, шунингдек ҳукумат қарорларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш вазифаси, давлат бошқаруви органларига эса ушбу қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш вазифаси юклатилган.

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 41-сонли қарори (2012 йил 16 февраль) қабул қилинди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби белгиланди ва ушбу вазифани амалга ошириш ички ишлар органлари зиммасига юклатилди. Шундан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги томонидан бир нечта ички идоравий ҳужжатлар, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (2012 йил 1 май) 71-сонли¹, «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (2012 йил 1 май) 72-сонли², «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (2016 йил 16 май) 79-сонли³ буйруқлар қабул қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №19. – 210-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №20. – 222-м.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №26. – 321-м.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида паспорт тизимини таъминлаш фаолиятини Ўзбекистон ИИВнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари амалга оширади. Ички ишлар органлари зиммасига ушбу соҳада юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг зарурий шарти улар хизматлари ва бўлинмаларининг ўзаро, шунингдек бошқа давлат органлари ва жамоатчилик билан доимий ҳамда яқин ҳамкорликда бўлишидир.

Хулоса қилиб айтганда, паспорт тизими жамоат тартибини сақлаш ва мустаҳкамлашда, жамият хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Паспорт бўлинмалари суд ва терговдан яшириниб юрган, ўз мажбуриятларини (масалан, алимент тўлаш мажбурияти) бажаришдан ёки суд ҳукми бўйича жазо ўташдан бўйин товлаётган шахсларни аниқлашда ва бир қатор бошқа функцияларни амалга оширишда реал имкониятга эгадир. Паспорт тизими муайян жойларда яшаш тартибини белгилаб, давлат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. Шу сабабли, мустақиллик йилларида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида ички ишлар органларининг паспорт тизимини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тизимли ишлар олиб борилди. Бундай кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимининг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди ва такомиллаштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ҲАМДА ТУРГАН ЖОЙИ БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшаши фактини аниқлашни назарда тутади.

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига¹ (2011 йил 14 сентябрь) асосан, ушбу ҳудудларда доимий прописка қилинадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг аниқ рўйхати (*кейинги ўринларда* – рўйхат) белгилаб берилган бўлиб, улар 12 та тоифадан иборат:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга;

2) қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

3) васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

4) ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар – ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

5) эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса;

6) Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда;

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №37. – 375-м.

7) Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда;

8) илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар – ўқишни, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга;

11) давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга;

12) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 41-сонли, 2016 йил 26 февралдаги «Паспорт-виза режимига риоя қилиш тартиби мустаҳкамланганлиги ва уй-жой фондидан фойдаланиш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси

Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 54-сонли, 2016 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 336-сонли қарорлари ҳамда ИИВнинг 2012 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 71-сонли, 2016 йил 16 майдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 79-сонли буйруқлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби белгилаб берилди.

Фуқароларни доимий прописка қилиш қонун билан тасдиқланган юқорида келтириб ўтилган шахслар тоифаларининг рўйхатига мувофиқ амалга оширилади. Рўйхатда назарда тутилмаган шахслар тоифаси, шунингдек мазкур рўйхатнинг 2-банди (хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган болалар ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) илгариги никоҳидан туғилган ёхуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалар, шунингдек фарзандликка олинган болалар бундан мустасно), 3-, 5-, 9–12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ҳамда Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди¹. Муқаддам Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан берилган рухсатномалар асосида 2012 йилнинг 15 мартига қадар уй-жой олган, бироқ турли сабабларга кўра прописка қилинмаган фуқаролар рўйхатнинг 1-бандига асосан доимий прописка қилинади. Қонун кучга киргунга қадар, яъни 2011 йилнинг 15 сентябригача олди-сотди, ҳады, айирбошлаш шартномалари асосида, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ва хусусийлаштириш асосида, суд қарорига кўра, шунингдек ИИВнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномасига мувофиқ уй-жой олган фуқаролар рўйхатнинг 1-бандига асосан прописка қилинади.

¹ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2016 йил 23 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №39. – 457-м.

Юқорида кўрсатилган фуқаролар тоифаси доимий пропискага кириш учун Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) (*кейинги ўринларда – ТШИИБ*)-нинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- *ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза*¹;
- *Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти*;
- *контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун)*;
- *тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари*;
- *давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция*.

Қонунга мувофиқ рўйхатнинг 1-банди асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари рўйхатнинг 2–5-бандлари асосида прописка қилиниши белгилаб қўйилган.

Рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида прописка қилиниш ҳуқуқига эга.

Тўғри шажара бўйича, биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлар, яъни ота-она фарзандларининг, фарзандлар ота-оналарининг, бобо ва бувилар невараларининг, неваралар бобо ва бувиларининг уй-жой майдонида прописка қилинади. Бунинг учун улар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- *ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза*²;
- *паспорт*;
- *контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун)*;
- *тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари*;
- *уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги)*;
- *никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тутилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари*;
- *давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция*.

¹ Қаранг: 1-илова.

² Қаранг: 1-илова.

Вояга етмаган шахснинг хусусий мулки бўлган уй-жой майдонига унинг қариндошларини доимий прописка қилиш унинг ота-онасининг ёки васийи (ҳомийи)нинг нотариал тасдиқланган розилиги асосида ҳал этилади.

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга киргунга қадар доимий прописка қилинган шахсларнинг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари уларнинг тураржой майдонига рўйхатнинг 2-банди бўйича доимий прописка қилинадилар.

Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинади.

«Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган тураржойга рўйхатнинг 3-банди бўйича доимий прописка қилинади.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг васийси (ҳомийси) бўлган фуқаро ўз васийлигидаги (ҳомийлигидаги) шахсни доимий рўйхатга қўйиш учун Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹;
- паспорт;
- тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисидаги нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқаронинг тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан, васийлик 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга белгиланади.

¹ Қаранг: 1-илова.

Ҳомийлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга ҳамда суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга белгиланади. Қонунга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди. Васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақасида истиқомат қиладиган фуқаролар билан никоҳдан ўтган ҳолларда ушбу фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ ҳал этилади.

Рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри (хотини) ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар – ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига прописка қилинадилар. Бунинг учун улар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- *ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹*;
- *паспорт*;
- *контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташиқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун)*;
- *тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари*;
- *уй-жой мулкдорининг (мулкдорларнинг) тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги)*;
- *тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари*;
- *ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки ота-онасини ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори нусхаси*;
- *меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри (хотини) ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар – охириги яшаш жойидан оилавий аҳволи тўғрисида ФХДЁ органининг маълумотномаси*;
- *васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси*;
- *давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция*.

¹ Қаранг: 1-илова.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, қуйидаги вояга етган фуқаролар меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланади:

- болалиқдан ногиронлар;
- 60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшга тўлган аёллар;
- белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган фуқаролар.

Ушбу фуқаролар томонидан тиббий меҳнат эксперт комиссияси берган маълумотнома тақдим этилади.

Фуқаролардан ИИБ томонидан белгиланган шаклдаги унинг оиласи (эри (хотини), ота-онаси, шунингдек фарзандлари) йўқлиги тўғрисида тилхат¹ олинади.

Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, башарти камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса, доимий прописка қилинади. Юқорида келтирилган шахслар тоифаси Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- *ИИБ томонидан белгиланган намунадаги ариза*²;
- *паспорт*;
- *контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун)*;
- *турарэжой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари*;
- *уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турарэжой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги)*;
- *никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанднинг туғилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари*;
- *биргаликдаги никоҳдан болалари бўлмаган эр-хотиннинг ҳақиқатда бирга яшаётган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан ва ИИБ профилактика инспектори томонидан имзоланган эр-хотиннинг камида бир йил биргаликда яшаётганлиги тўғрисида ИИБ томонидан белгиланган намунадаги маълумотнома*³;
- *давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.*

Никоҳи хорижий давлатда қайд этилган фуқаролар 1997 йил 12 мартдаги Консул томонидан ҳужжатларни қонунлаштириш тўғри-

¹ Қаранг: 1-илова.

² Қаранг: 1-илова.

³ Қаранг: 1-илова.

сида йўриқнома талаблари асосида қонунлаштирилган ёки Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Гаага Конвенцияси (1961 йил 5 октябрь) талабларига мувофиқ апостиль белгиси қўйилган никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳномани тақдим этади. «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясига (1993 йил 22 январь) аъзо давлатларда никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан ушбу давлатлар қонунчилиги талаблари асосида тасдиқланган никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан тақдим этиладиган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага консуллик қонунлаштирилиши ёки апостиль белгисини қўйиш талаб этилмайди.

Рўйхатнинг 5-банди асосида доимий прописка қилинадиган фуқароларнинг олдинги никоҳидан ёки никоҳсиз туғилган фарзандлари (ўз оиласига эга бўлмаган) рўйхатнинг 2-банди бўйича доимий прописка қилинадилар.

Рўйхатнинг 6-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан муурожаат этган тақдирда, доимий прописка қилинади.

Юқорида кўрсатилган тоифадаги шахслар доимий рўйхатга қўйилишлари учун Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- *ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹;*
- *паспорт;*
- *контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);*
- *тураржой ҳужжатларининг нусхалари;*
- *уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисида аризаси (розилиги);*
- *никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанднинг туғилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;*

¹ Қаранг: 1-илова.

– давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Рўйхатнинг 7-бандига мувофиқ Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, доимий прописка қилинади. Ушбу тоифадаги шахслар доимий рўйхатга киришлари учун Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹;

– паспорт;

– контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

– тураржой ҳужжатларининг нусхалари;

– уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг тураржой майдони бериши тўғрисида аризаси (розилиги);

– никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тузилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

– давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Рўйхатнинг 8-бандига мувофиқ илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар – ўқишни, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида, доимий прописка қилиниши белгилаб қўйилган. Мазкур тоифадаги шахсларнинг доимий рўйхатга қўйилиши учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

– ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза²;

– паспорт;

– озодликдан маҳрум этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисида маълумотнома;

– контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

¹ Қаранг: 1-илова.

² Қаранг: 1-илова.

- тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тутилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- ишга, узоқ муддатли хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхалари, дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, шунингдек ўқишни кўчирганда ёки ўқишдан четлаштирилганда, бу ҳақда ўқув муассасасининг маълумотномаси;
- давлат божги тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Қонунга асосан рўйхатнинг 8-бандига кирадиган фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида тураржойга, доимий пропискага эга бўлмаган ҳолда ички ишлар органлари томонидан расмий алоқа йўллари орқали тегишли давлат нотариал идорага юбориладиган ИИВ томонидан белгиланган намунадаги доимий прописка қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотнома¹ асосида тураржой сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда ариза берувчига ИИВ томонидан белгиланган шаклда маълум қилинади².

Рўйхатнинг 8-бандига кирадиган фуқаролар тураржой сотиб олгандан кейин ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига мазкур банд билан доимий рўйхатга кириш учун дастлаб талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этади, бундан уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги) мустасно.

Рўйхатнинг 8-банди асосида Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари рўйхатнинг 2-банди асосида доимий прописка қилинадилар.

Рўйхатнинг 9-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади. Мазкур бандда кўрсатилган

¹ Қаранг: 1-илова.

² Қаранг: 1-илова.

фуқаролар доимий прописка қилиниши учун Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹;

– паспорт;

– контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

– тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

– уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

– никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тузилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайлаш, тайинлаш, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхалари;

– давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Рўйхатнинг 9–12-бандлари бўйича доимий прописка қилинган фуқароларнинг улар билан бир вақтда доимий пропискани расмийлаштирмаган оила аъзоларини (эри, хотини, шунингдек ўз оиласи бўлмаган фарзандларини) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш, тураржой майдони мулкдори (мулкдорлари)нинг розилиги билан тегишли равишда рўйхатнинг 9–12-бандлари бўйича амалга оширилади.

Рўйхатнинг 10-бандига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади. Мазкур бандда келтирилган фуқаролар доимий рўйхатга киришлари учун Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹;

¹ Қаранг: 1-илова.

- паспорт;
- тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанд тугилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланганлик тўғрисида ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхалари;
- давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади. Ушбу тоифадаги шахсларнинг доимий рўйхатга қўйилишлари учун улар томонидан Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб қилинади:

- ИИБ томонидан белгиланган намунадаги ариза²;
- паспорт;
- контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);
- тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тугилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- давлат ҳокимияти органи, давлат ва хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбари-

¹ Қаранг: 1-илова.

² Қаранг: 1-илова.

нинг ИИБ томонидан белгилаган шаклда ишга тақлиф этилаётган фуқаронинг (юқори малакали мутахассис ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) ишончлилиги кафолати билан биргаликда илтимосномаси¹, шунингдек лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма; – давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Бунда **республика аҳамиятига молик давлат ташкилотлари** деганда, уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тартибга солинадиган давлат ташкилотлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 336-сонли қарори билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати тасдиқланган. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси[□];
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди;
6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди;
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
8. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;
9. Марказий сайлов комиссияси;
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

¹ Қаранг: 1-илова.

[□] Изох: 1-, 2- ва 3-бандларда кўрсатилган давлат ҳокимияти органлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) аппаратлари ходимларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқарувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери (улар жойида бўлмаганда – уларнинг ўринбосарлари), шунингдек тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқарувчиси томонидан имзоланади.

12. Тошкент шаҳри ҳокимлиги;
13. Тошкент вилояти ҳокимлиги;
14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги;
15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
17. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги;
18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;
19. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;
20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
21. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги;
22. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;
23. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
24. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
25. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги[□];
27. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги;
28. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;
29. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси;
30. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.
31. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;
32. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;
33. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
34. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;
35. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;
36. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси;
37. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги;

[□] Изоҳ: 7-, 8-, 23- ва 26-бандларда кўрсатилган давлат ҳокимияти органлари аппаратлари ходимларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома тегишли равишда ушбу органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан ҳам имзоланади.

38. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги;
39. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги;
40. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги;
41. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги;
42. «Ўзархив» агентлиги;
43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси;
44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита;
45. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси;
46. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси;
47. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси;
48. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти;
49. «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти;
50. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти;
51. «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси;
52. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси;
53. «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси;
54. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси;
55. «Ўзавтойўл» автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси;
56. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси;
57. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси;
58. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси;
59. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти.
60. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ–694-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) рўйхатнинг 12-бандига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилинади.

Юқорида кўрсатилган фуқаролар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ТШИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– ИИБ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹;

– паспорт;

– контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

– тураржой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

– уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

– никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳноманинг ёки фарзанд тугилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ–694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини тураржой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган тураржой олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

– давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари **илтимосномаси асосида** Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида пропискага эга бўлган фуқаро ишдан озод қилинган, бошқа ишга ўтган ёки пенсияга чиққан тақдирда, қарор қабул қилингандан кейин **икки кун муддатда** фуқаронинг охириги доимий пропискадан ўтган жойдаги ТШИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига хабар берилади.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари **билдиришномаси** асосида ТШИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими, агар ушбу фуқарода доимий прописка учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, фуқарони белгиланган тартибда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан илгариги яшаш жойига ёки фуқаронинг аризасига кўра бошқа минтақага пропискадан чиқаради. Фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан прописка-

¹ Қаранг: 1-илова.

дан чиқишдан бош тортган тақдирда доимий прописка ТШИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланган хулоса¹ асосида бекор қилинади.

Тошкент шаҳрида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳады қилишни, шунингдек Тошкент шаҳридаги тураржой ёхуд тураржой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш, кўчмас мулкдан (кўчмас мулкнинг бир қисмидан) воз кечиш ва кўчмас мулкни ўзгага беришнинг бошқа усулларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон:

– Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса;

– Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), рўйхатнинг 2-, 5-, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органларининг доимий пропискиси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

Тошкент вилоятида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳады қилишни, шунингдек Тошкент вилоятидаги тураржой ёхуд тураржой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш, кўчмас мулкдан (кўчмас мулкнинг бир қисмидан) воз кечиш ва кўчмас мулкни ўзгага беришнинг бошқа усулларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон:

– Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган бўлса;

– Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), рўйхатнинг 2-, 5-, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органларининг доимий пропискиси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

Суд қарорларини ижро этиш тартибида турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мол-мулкни кимошди савдолари орқали сотишга ёхуд уни суд ижрочисининг натурадаги сотилмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги таклифи бўйича қарзни ундирувчига – гаровни сақловчига бериш сотиб олувчи томон тегиш-

¹ Қаранг: 1-илова.

ли равишда Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган жисмоний шахс бўлса йўл қўйилади.

Ички ишлар органларидан доимий прописка борлиги тўғрисидаги маълумотнома олиш учун фуқаро охириги яшаш жойидаги ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига ёзма ариза билан мурожаат қилади. ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими унга уч кунлик муддатда тегишли маълумотномани беради.

Рўйхатнинг 5-, 9-, 10- ва 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар доимий прописка қилинган кундан бошлаб уч йил ўтгандан кейин тураржой сотиб олган тақдирда, улар ва улар билан бирга рўйхатнинг 5-, 9-, 10- ва 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар ушбу тураржойга рўйхатнинг 1-банди бўйича қайта доимий прописка қилинади.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан уч иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади ҳамда фуқаро рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда унинг паспортига штамп қўйиш ва гербли муҳр билан тасдиқлаш орқали доимий прописка расмийлаштирилади.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими раҳбари ёки унинг ўринбосари ўз резолюциясида ариза берувчини рўйхатнинг қайси бандига асосан доимий пропискага қўйиш зарурлигини ёки рад жавоби бериш сабабини кўрсатади.

Бир вақтнинг ўзида прописка штамп санаси кўрсатилган ҳолда уй дафтарига ёки хонадон карточкасига ҳамда фуқаронинг аризасига қўйилади ва пропискани расмийлаштирган ходим томонидан имзоланади.

Васийлик (ҳомийлик) белгиланган фуқароларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратурасига васийлик (ҳомийлик) белгилаш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлигини ўрганиш учун сўровнома юборилади.

Доимий пропискани бўлган фуқароларнинг паспортига, шунингдек рўйхатнинг 1-, 4-, 6-, 7- ва 8-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар паспортига ИИБ томонидан белгиланган шаклдаги штамп¹ қўйилади.

¹ Қаранг: 1-илова.

Рўйхатнинг 2-, 3-, 5-, 9–12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар учун уларнинг паспортларига ва бошқа ҳужжатларига мазкур ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги штамп қўйилади¹.

Паспорт олинганда, алмаштирилганда ёки рўйхатга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаро қайта прописка қилинганда, 8- ёки 9-иловаларга мувофиқ тегишли штамп қўйилади.

Бошқа минтақалардан келган вояга етмаганларни доимий прописка қилиш улар қайд қилинган ота-оналарининг, васий (ҳомий)ларининг жўнаб кетиш варақаларининг нусхаси асосида, ота-оналарисиз келган ҳолларда эса доимий прописка қилиш аввалги яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан туғилганлик ҳақида гувоҳнома асосида берилган *жўнаб кетиш варақаси* асосида амалга оширилади.

Вояга етмаганлар қайд қилинмаган ёки доимий прописка қилинмаган ҳолларда аввалги яшаш жойи бўйича ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимининг ушбу фактни тасдиқловчи *маълумотномаси* асосида прописка қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли уй-жой майдонига прописка қилиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади.

Фуқаро «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясига (1993 йил 22 январь) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Гаага Конвенциясига (1961 йил 5 октябрь) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ апостиль белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, шунингдек Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун асос бўлган ҳужжатлар қалбакилаштирилган тақдирда доимий прописка ички ишлар органлари томонидан бекор қилинади, кейинчалик

¹ Қаранг: 1-илова.

материаллар тергов органларига юборилади. Бунда пропискани бекор қилиш сабаблари ва кўрилаётган чоралар кўрсатилган тегишли хулоса қабул қилинади ва ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунининг 45-моддасига кўра, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларида улар ҳарбий рўйхатга олинганлиги ёки ундан чиқарилганлиги тўғрисида мудофаа ишлари органларининг белгиси бўлган тақдирдагина, уларни турар жойлари бўйича қайд этиш ва рўйхатдан чиқариш амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий истиқомат қилган ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларига ёки хорижга чиқиб кетган фуқаролар, турли сабабларга кўра кетган жойлари бўйича прописка қилинмаган ҳамда бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги жўнаб кетиш варағи билан қайтиб келган тақдирда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида умумий асосларда доимий прописка қилинади.

Тураржой бўлмаган биноларга фуқароларни доимий прописка қилишни расмийлаштириш тақиқланади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган фуқароларнинг яшаши учун тураржой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдорлари тураржой майдони берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 16 майдаги 79-сонли буйруғи талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома тасдиқланган бўлиб, мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

Фуқароларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшаши ёки

вақтинчалик бўлиши фактини аниқлашни назарда тутди. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан беш кундан олти ойгача муддатга (ўқиш учун таълим муассасасига келган шахслар учун – ўқиш даврига) амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тураржой сотиб олиш, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш учун асос ҳисобланмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди. Ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш муддатидан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш ҳуқуқига эгадир. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийларга, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа масканларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин уларнинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган фуқаролар келган кунидан бошлаб беш кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги ариза¹;

– паспорт;

– контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

– 16 ёшга тўлмаган шахслар учун – тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

– уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги)²;

– тураржой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

– ҳисобга олинганлик учун давлат божини тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар, шунингдек мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчиларидан ташқари);

¹ Қаранг: 2-илова.

² Қаранг: 2-илова.

– тураржойни ёхуд унинг бир қисмини ижарага олиш ёки тураржойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш тўғрисида нотариал тасдиқланган шартноманинг нусхаси.

Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро тураржой мулкдорининг (мулкдорларининг) яқин қариндоши (ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) бўлса, тураржой ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиш талаб қилинмайди. Ушбу ҳолатда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаронинг ва тураржой ёхуд унинг бир қисми мулкдорининг (мулкдорларининг) қариндошлик даражасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилади. Яқин қариндошлар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш нотариал тартибда тасдиқланган шартнома асосида амалга оширилган бўлса, вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун ушбу шартноманинг нусхаси тақдим этилиши мумкин. Бунда уларнинг яқин қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли тураржой майдонига вақтинча ҳисобга олиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади. Фуқаро «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясига (1993 йил 22 январь) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин. Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Гаага Конвенциясига (1961 йил 5 октябрь) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ апостиль белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

Белгиланган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (паспорт) инспектори фуқаронинг аризасини Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобида¹ рўйхатдан ўтказди, уларни ўрганиб чиқади ҳамда шу куннинг ўзида

¹ Қаранг: 2-илова.

фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағини беради. Қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган, қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Қайд варағи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ягона намуна бўйича тайёрланади. Қайд варағидаги маълумотлар ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимининг гербли муҳри билан тасдиқланади. ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими инспектори қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта ҳисобга олиш тартибини ва ариза топшириш муддатини тушунтиради.

16 ёшга тўлмаган шахсни ҳисобга олишни расмийлаштиришда унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик тураржой майдони берган тураржой мулкдори (мулкдорлари) зиммасига юкланади. Ариза берувчининг паспортига ва турар жойининг уй дафтарига (прописка карточкасига) ҳисобга олиш тўғрисида белги қўйилмайди. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча ҳисобга олинган фуқаро ҳисобга олинган жойида яшаши керак.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими инспектори фуқарога қайд варағи беришдан аввал унинг қидирувда эмаслигини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимида фуқаро ҳақидаги маълумотларни киритиб, уларни тизим орқали автоматик тарзда ИИБ Ахборот марказининг маълумотлар базасидан текширади. Текширув натижаси юзасидан фуқаро қидирувда бўлганлиги ҳолати аниқланган тақдирда ИИБ Ахборот маркази ушбу ҳолат бўйича ИИБ тезкор аппаратлари ҳамда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига хабар беради.

Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган фуқаролар ўқиш даврига (таълим давомийлигини назарда тутувчи муддатга) ҳисобга олинади. Бунда таълим муассасаси томонидан фуқаронинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха (16 ёшга тўлмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат)

ва таълим муассасаси томонидан тураржой билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома ҳудудий ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига тақдим этилади. Агар фуқаро олий таълим муассасасига қабул қилинган бўлса, юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга ҳисобга олиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция ҳам юборилади. Фуқаро таълим муассасасининг турар жойидан бошқа тураржойда яшаш истагини билдирганда, таълим муассасасининг алоқа хати ва ҳисобга олишда талаб этилаган тегишли ҳужжатлар асосида фуқаро танлаган жойидаги ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан ҳисобга олинади. Ўқиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилган, фуқаро академик таътил олган ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлаштирилган тақдирда, ушбу муассасалар раҳбарияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу ҳақда фуқарони вақтинча турган жойида ҳисобга олишни расмийлаштирган ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимини хабардор қилади. Таълим муассасаси раҳбариятининг билдиришномаси асосида миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими ҳисобга олишни бекор қилади ва қайд варағи олиб қўйилишини таъминлайди.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимида «Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»нинг «изоҳ» устунига фуқаронинг ҳисобга олинганлиги бекор қилинганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилиб, бир кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар ИИББ Манзил-маълумотлар бюросига хабарнома¹ юборилади.

Қайд варағи йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда фуқаро ҳисобга олинган ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда қайд варағи йўқолиши ёки яроқсиз ҳолга келиши сабабларини кўрсатиб, қайд варағининг дубликатини расмийлаштириб бериш тўғрисида белгиланган шаклдаги ариза² билан мурожаат қилади. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими инспектори фуқаронинг қайд варағи йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганлиги юзасидан ёзган аризасини қабул қилиб, аризада кўрсатилган манзилда ушбу фуқаронинг ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Фуқаронинг аризада кўрсатилган тураржойда

¹ Қаранг: 2-илова.

² Қаранг: 2-илова.

ҳисобга олинганлиги тасдиқланган тақдирда ариза берувчига ўша куннинг ўзида қайд варағининг дубликати расмийлаштириб берилади ва «Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»нинг «изоҳ» устунига қизил рангда «дубликат» деб ёзиб қўйилади. Фуқаро ҳисобга олинган муддат давомида ҳисобга олинган тураржойдан бошқа манзилдаги тураржойга яшашга ўтса, янги турар жойи бўйича ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига ҳисобга олишда талаб этиладиган тегишли хужжатлар (дастлабки ариза ва давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанциядан ташқари), белгиланган шаклдаги ариза¹, шунингдек аввалги турар жойи бўйича ҳисобга олинганлигини тасдиқловчи қайд варағини тақдим этади.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими инспектори тақдим этилган хужжатларни қабул қилиб, бу ҳақда «Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»га тегишли ёзув киритади. У шу куннинг ўзида қайд варағида кўрсатилган муддатга янги қайд варағини расмийлаштириб беради ва эски қайд варағини фуқаронинг олдинги ҳисобга олинган жойи бўйича ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига юборади. Фуқаро ҳисобга олинган муддат давомида қайта ҳисобга олинганлиги тўғрисида бир кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар ИИББ Манзил-маълумотлар бюросига хабарнома юборилади.

Фуқаро паспортини алмаштирганлиги ҳақида мурожаат қилса, бу ҳақда қайд варағига қўшимча ёзув киритилади ва гербли муҳр билан тасдиқланади. Охириги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш масаласини кўриб чиқиш фуқаронинг вақтинча яшаб турган жойидаги ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан амалга оширилади. Бунинг учун фуқаро қайд варағи муддати тугашидан камида ўн беш кун олдин вақтинча яшаб турган жойидаги ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига ҳисобга олишда талаб этиладиган тегишли хужжатлар (2.1-иловада кўрсатилган аризадан ташқари) билан бирга, белгиланган шаклдаги қайта ҳисобга олиш тўғрисида ариза² тақдим этади. Ариза «Фуқароларнинг турган жойи бўйича қайта ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»га³ қирим қилинади.

¹ Қаранг: 2-илова.

² Қаранг: 2-илова.

³ Қаранг: 2-илова.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими хужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини текширади ҳамда ўрганиш якунлари бўйича ўн беш кун мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштиришга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ижобий қарор қабул қилинганда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими инспектори бир сутка мобайнида ариза берувчини хабардор қилади ва белгиланган тартибда фуқарога қайд варағини такроран расмийлаштириб беради, салбий қарор қабул қилинганда эса, ушбу қарорни ариза берувчига етказди ҳамда уни ички ишлар органи томонидан белгиланган муддатда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан чиқиб кетиш мажбурияти тўғрисида огоҳлантиради.

Қуйидагилар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайта ҳисобга олинишни рад этувчи асослар ҳисобланади:

– Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида ҳисобга олиш жойи бўйича турган вақтида мунтазам равишда ҳуқуқбузарлик содир этилиши;

– шахснинг Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида бундан буён бўлиши жамоат тартиби бузилиши учун шарт-шароитлар яратиши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

– тақдим этилган хужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги.

Фуқароларнинг Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида қайта ҳисобда туриши рад этилган тақдирда, ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими инспектори томонидан белгиланган шаклда хулоса¹ тузилади, ушбу хулоса ТШИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланади, хулосада рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак. Ҳисобда туришни қайта расмийлаштириш рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун асос бўлган хужжатлар номенклатура бўйича йиғма жилдларга тикилади ва ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимида икки йил давомида сақланади.

¹ Қаранг: 2-илова.

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧА ПРОПИСКА ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсат бериш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 1 майдаги «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 72-сонли буйруғи талаблари асосида амалга оширилади. Мазкур йўриқнома қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча прописка қилинишдан озод этилган шахсларга, шунингдек чет эл фуқароларига – хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига татбиқ этилмайди.

Яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек хорижий давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида шахснинг доимий яшаши ёки муайян жойда вақтинча бўлиш фактини аниқлашни назарда тутди. Қоидага кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ёки вақтинча прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар прописка қилинган жойда яшашлари лозим. Хорижий давлатлардан келган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида камида бир йил яшаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшашга рухсат олиш учун ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига мурожаат этиши мумкин. Бунинг учун улар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- *икки нусхада ариза-анкета¹*;
- *чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати*;

¹ Қаранг: 3-илова.

– уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), шунингдек уй-жой ҳужжатларининг нусхалари;

– никоҳ тузилганлиги ёки фарзанд тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари, зарур ҳолларда яқин қариндошининг вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

– хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ёки хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, консуллик муассасаси томонидан берилган, аввалги яшаш жойи бўйича судланмаганлиги тўғрисида маълумотнома (МДХга аъзо давлатлардан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун);

– 35x45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

– ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун йигим тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими ходими барча ҳужжатларни олгач, ариза берувчидан доимий пропискага рад жавоби берилса, республикада бўлиш учун бошқа асослар бўлмаган тақдирда вақтинча прописка муддати тугаши билан республика ҳудудидан чиқиб кетиши тўғрисида тилхат олади¹. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими барча ҳужжатларни ўрганганидан кейин икки ҳафта муддатда ариза берувчининг вақтинча яшаш жойи бўйича текшириш ўтказди, унинг натижаси бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг вақтинча прописка қилинган жойи бўйича яшаши тўғрисида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси, маҳалла фаоллари, профилактика инспектори, шахс яшаган уй эгаси томонидан имзоланадиган далолатнома тузилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот марказидан ва Тошкент шаҳар ИИББ Манзил-маълумотнома бюроси (кейинги ўринларда – ММБ)дан ариза берувчи ва тураржой эгасига доир тегишли маълумотлар сўраб олинади.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан барча ҳужжатлар олингач, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан шахсий йиғма иш жилди очилади ҳамда тўпланган ҳужжатлар бўйича маълумотнома тайёрланиб шахсий йиғма иш жилди билан бирга Тошкент шаҳар ИИББнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ёки Тошкент вилояти ИИБнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборилади.

¹ Қаранг: 3-илова.

Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан уч иш куни ичида ариза-анкетанинг бир нусхаси тегишли ваколатли органга юборилади. Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда, Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан ўн кунлик муддатда Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари томонидан тасдиқланадиган хулоса тайёрланади ва материаллар ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига якуний қарор чиқариш учун юборилади. ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ушбу масалани ҳал этишда тегишли ваколатли органнинг фикр-мулоҳазасини, зарурат бўлганда эса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хулосасини сўраб олади ва бир ой муддат мобайнида ИИБ ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Қарор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ижро учун юборилади. ИИБнинг ижобий қарори бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномасини белгиланган тартибда расмийлаштириб бериш учун асос ҳисобланади. ИИБдан ижобий жавоб олингач, Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими икки иш кунида материалларни тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномасини ҳамда доимий пропискани расмийлаштириб бериш учун юборади. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими материалларни олгач, уч иш кунида ариза берувчига ёки тураржой эгасига ёзма равишда хабар бериб, уларнинг мурожаати асосида яшаш гувоҳномасини расмийлаштириб беради ва унинг тегишли бетига доимий прописка штампини қўяди. Бир вақтнинг ўзида миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тушунтирилади ҳамда бу ҳақда ундан тилхат¹ олинади.

¹ Қаранг: 3-илова.

ИИВ томонидан ижобий қарор қабул қилинган ва айти пайтда тураржой эгаси томонидан ёзма рад жавоби берилган тақдирда, шунингдек ариза берувчи ёки уй-жой эгаси хабардор қилинган кундан бошлаб олти ой муддат ичида ариза берувчи яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш ва доимий прописка қилиш учун мурожаат қилмаса, ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими қарорни ижро қилиш имконияти йўқлигини ёзма равишда маълум қилган ҳолда уч кун ичида шахсий йиғма иш жилдини Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими орқали ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига юборади. ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, вазир ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор билан аввалги ижобий қарорни бекор қилади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда ижро учун тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими орқали ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қайтариб юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни кучга киргандан, яъни 1992 йил 28 июлдан кейин республикага келиб, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида Собиқ Иттифоқ паспорти билан истиқомат қилаётганлар, шунингдек бу паспортни йўқотганлар ва бошқа шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати бўлмаганлар ёки фақатгина туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан яшаётган шахслар шахсни тасдиқловчи ҳужжат олиш масаласи бўйича тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи томонидан берилган шахсинг муайян жойда муайян санадан буён пропискасиз ва ҳужжатларсиз яшаб келаётганлиги тўғрисида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи раиси, маҳалла фаоллари, профилактика инспектори, шахс яшаган уй эгаси, қўшинлари томонидан имзоланган, унинг фотосурати ёпиштирилиб, алоҳида гербли муҳр билан тасдиқланган далолатнома;*

– *СССР паспорти ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ушбу ҳужжатлар бўлмаганда ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;*

– *Ўзбекистон Республикасида таълим олганлиги ёки меҳнат қилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар.*

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан уч кун ичида шахсга ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги маълумотнома¹ берилади. Ушбу маълумотнома асосида шахс ўзи туғилган ёки муқаддам истиқомат қилган хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик элчихонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат қилади ва унинг ушбу хорижий давлат фуқаролигига мансуб эмаслиги, олдинги яшаш жойи бўйича прописка қилинмаганлиги тўғрисида маълумотномани олади. Шундан сўнг, шахс ушбу маълумотномани ва доимий прописка қилиш учун зарур бўлган юқорида келтириб ўтилган ҳужжатларни доимий яшашга рухсат олиш ва доимий прописка қилиш учун ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига тақдим этади.

Барча ҳужжатлар тақдим этилгач, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходими уч кунда шахснинг олдинги яшаш жойи бўйича тегишли давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига унинг хорижий давлат фуқаролигига мансуб эмаслиги ва пропискиси йўқлиги тўғрисида сўровнома юборади. Бунда сўровнома фақат прописка институти мавжуд МДХга аъзо давлатларга юборилади. Сўровномага жавоб келгунга қадар мазкур тоифа шахсларнинг доимий яшашга рухсат олиш учун берган аризалари кўриб чиқилади. Сўровнома юборилгандан кейин уч ой ичида жавоб келиб тушмаса, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходими юқорида келтирилган ва мазкур бандда кўрсатилган мавжуд ҳужжатлар билан чекланади.

Хорижий давлатлардан Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ИИББ, ИИБ ёки ИИВ томонидан қабул қилиниши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшашига рухсат бериш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

– миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

– шахснинг белгиланган тартибда судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлса;

– шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланган ташкилотларга дахлдор бўлса;

– шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида била туриб ёлғон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса;

¹ Қаранг: 3-илова.

– ҳужжатларни кўриб чиқиш босқичида доимий прописка қилишга турар жой эгаси томонидан рад жавоби берилса.

Хорижий давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат бериш рад этилган тақдирда, ҳужжатлар уч иш куни ичида ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қайтарилади, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бир сутка мобайнида ушбу қарорни ариза берувчига етказди. Агарда чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларда республика ҳудудида вақтинча яшаш учун асослар бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-ни унга белгиланган муддатда тарк этиши лозим.

Хорижий давлатлардан Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоя-тига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшашлари учун қуйидагилар асос бўлади:

– ариза берувчининг ота-онаси, эри (хотини), фарзандлари, туғишган ака (ука), опа (сингил)лари Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган бўлса;

– ариза берувчи Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида ўз турар (яшаи) жойига эга бўлса;

– ариза берувчи Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида жой-лашган ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган бўлса;

– ариза берувчи Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида жой-лашган таълим муассасаларида таълим олаётган бўлса[□].

Рад жавоби берилган тақдирда, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс уч ой ўтгандан кейин доимий яшаш учун рухсат олишга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун юқори-да келтирилган ҳужжатлар қайта тақдим этилади.

Прописка қилиш ва пропискадан чиқариш тартиби мавжуд бўлган хорижий давлатлардан Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон

[□] Изох: Юқорида келтирилган асосларни ҳам рад этувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланган ташкилотларга дахлдор бўлса; шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида била туриб ёлгон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса; ҳужжатларни кўриб чиқиш босқичида доимий прописка қилишга тураржой эгаси томонидан рад жавоби берилса.

Ушбу ҳолатлар шахсни Ўзбекистон Республикасида яшашини рад этувчи қатъий асос ҳисобланади.

Республикасида доимий яшаш учун рухсат олганларидан кейин муқаддам пропискада турган жойидан пропискадан чиққанлик (жўнаб кетиш варақаси) фактини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни ёки бундай тартиб йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этади.

Шу ўринда, республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий прописка қилиш тартибига ҳам тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши мумкин бўлган шахслар категорияси белгиланган бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар – хусусий мулк қилиб сотиб олинган уй-жойга;

2) қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига;

3) эр (хотин – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган бўлса;

4) васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига;

5) ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар – ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига;

б) давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик давлат бошқа ташкилотларига ишга таклиф этиладиган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – кўрсатиб ўтилган шахслар лавозимда турадиган даврга[□].

Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет

[□] Изоҳ: Рўйхатнинг 2- (эр ёки хотин, ўз оиласи бўлмаган вояга етган болалари ва эр-хотиннинг биргаликдаги ва/ёки олдинги никоҳидан ёки никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари бундан мустасно), 3-, 4-, 6-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискани расмийлаштириш учун ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- икки нусхада ариза-анкета¹;
- яшаш гувоҳномаси;
- уй-жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- никоҳ тузилганлик, туғилганлик, ота-оналар вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг, шунингдек васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- тегишли давлат ҳокимияти органи, давлат ёки хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг илтимосномаси;
- прописка қилинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (1992 йил 28 июль) кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва Собиқ Иттифоқ намунасидаги паспортларга эга бўлган ёки уларни йўқотган, шунингдек ҳужжатларга эга бўлмаган (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) ва ушбу Низомга иловада кўрсатилган рўйхатга кирувчи узоқ вақт Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшаётган шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этадилар, чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати (фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси) бундан мустасно.

Рўйхатга кирмайдиган, юқорида кўрсатиб ўтилган шахслар тегишли ҳужжатлар (фуқаролиги йўқ шахс учун яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги йўқ шахс учун ҳаракатланиш ҳужжати) билан ҳужжатлаштирилиб, пойтахт минтақаси ёки республика ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилади, ушбу тўғрисида улардан белгиланган намунадаги мажбуриятнома олинади.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг икки ҳафта муддатда уларни расмийлаштиради, аризачининг шахсини текширади ва ҳуж-

¹ Қаранг: 3-илова.

жатларни Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборади, улар уч иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларни текширади ва материалларни тегишли ваколатли органга юборади. Бир вақтнинг ўзида Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан ўн кун муддат ичида ИИБ Ахборот марказидан ва Тошкент шаҳар ИИББнинг ММБдан ариза берувчи ва тураржой эгасига доир маълумотлар сўраб олинади.

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга шахсий йиғма иш жилди очилгач, уч кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоят ИИБнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига ариза берувчининг яшаш гувоҳномасини қонуний олганлигига доир хулоса олиш учун сўровнома юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари сўровномани олгач, ўн кунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномасини қонуний олганлиги бўйича хулоса тайёрлайди ва сўровномани юборган ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига жўнатади.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ёки вилоятлар ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларидан олинган хулоса ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдига бириктириш учун Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборилади. Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан ўн кун муддатда Тошкент шаҳар ИИББ ёки Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари томонидан тасдиқланадиган хулоса тайёрланади ва ҳужжатлар якуний қарор чиқариш учун ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига юборилади. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ушбу масалани ҳал этишда тегишли ваколатли органнинг фикр-мулоҳазасини сўраб олади ва бир ой муддат мобайнида Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Қарор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ижро учун юборилади.

ИИБнинг ижобий қарори республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштириб бериш учун асос ҳисобланади.

ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасидан доимий прописка масаласи бўйича ижобий қарорга доир материаллар олингач, Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими уч кунда уларни доимий пропискани расмийлаштириш учун тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига юборади. Доимий прописка масаласи бўйича ижобий қарорга доир материаллар олингач, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан бир кунда ариза берувчининг олдинги яшаш жойи бўйича ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига унинг шахсий йиғма иш жилдини ва ҳисоб карточасини жўнатиш тўғрисида сўровнома юборилади. Бир вақтнинг ўзида ариза берувчига прописка масаласи ижобий ҳал бўлганлиги ёзма равишда етказилади. Ариза берувчи аввал доимий прописка қилинган тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими сўровномани олгач, бир кунда ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдини ва ҳисоб карточасини сўровномани юборган ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига жўнатади ҳамда бир вақтнинг ўзида бу ҳақда тегишли Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларини хабардор қилади. Ариза берувчи аввал доимий прописка қилинган ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка учун рухсат олган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг мурожаати асосида уни бир кунда белгиланган тартибда пропискадан чиқаради.

Республиканинг бошқа минтақасидан пропискадан чиқарилгандан кейин чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида танлаган яшаш жойи бўйича тегишли

ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимида белгиланган тартибда доимий прописка расмийлаштириб берилди.

ИИВ томонидан ижобий қарор қабул қилинган ва айти пайтда турар жой эгаси томонидан ёзма рад жавоби берилган тақдирда, шунингдек ариза берувчи ёки уй-жой эгаси хабардор қилингандан бошлаб уч ой муддат ичида ариза берувчи доимий пропискани расмийлаштириш бўйича муурожаат қилмаса, ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими сабабини кўрсатиб, қарорни ижро қилиш имконияти йўқлигини маълум қилган ҳолда уч иш куни ичида шахсий йиғма иш жилдини Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими орқали ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига юборади. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси томонидан мавжуд ҳужжатлар ўрганиб чиқилгач, ИИВ ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор билан аввалги ижобий қарор бекор қилинади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда ижро учун тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими орқали ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қайтариб юборилади.

Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига доимий прописка қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ИИБ ёки Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан қабул қилиниши мумкин.

Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

– миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

– шахсинг белгиланган тартибда судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлса;

– шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланган ташкилотларга дахлдор бўлса;

– шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида бида туриб ёлфон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса;

– ҳужжатларни кўриб чиқиш босқичида доимий пропискага тураржой эгаси томонидан рад жавоби берилса;

– ҳужжатларни кўриб чиқиш босқичида шахс аввал прописка қилинган тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан унинг яшаш гувоҳномаси ноқонуний олинганлиги аниқланса.

Республиканинг бошқа минтақалардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий прописка қилиш рад этилган тақдирда ички ишлар вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ ёки Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқарилади. Қарор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда уч иш куни мобайнида ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қайтарилади, у бир сутка мобайнида ушбу қарорни ёзма равишда ариза берувчига етказди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республиканинг бошқа минтақаларига доимий прописка қилиниши ва пропискадан чиқарилиши, шунингдек уларнинг хорижий давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хорижий давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилганда, уларнинг мурожаати бўйича тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан белгиланган тартибда улар республика ташқарисига чиқиб кетгунга қадар вақтинча прописка қилиниши мумкин.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хорижий давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилган тақдирда, бироқ бир йил ичида республикадан чиқиб кетмаганида, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтмаганида, улар олдинги яшаш жойи бўйича ёки республиканинг бошқа минтақасига тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими томонидан доимий прописка қилинади.

Бунда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш учун чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига рес-

публикадан чиқиб кетмаганлиги сабабини тўлиқ кўрсатган ҳолда ариза билан муурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– *чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;*

– *тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома – 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;*

– *уй-жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;*

– *уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);*

– *жўнаб кетиш варақаси;*

– *прописка қилинганлик учун давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.*

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар асосида ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлими ариза берган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни олиш учун бир кунда ИИВ Ахборот маркази ва Тошкент шаҳар ИИББ-нинг ММБга сўровнома юборади. Жавоб олингандан сўнг уч иш кунида ТШИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланадиган хулоса асосида белгиланган тартибда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси расмийлаштириб берилади ва доимий прописка қилинади. Бунда фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатидаги чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг стикери бекор қилинади ва бу ҳақда уч иш куни ичида ваколатли органга ҳамда тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ёки Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига маълумотнома юборилади.

Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш, доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан, келган жойи бўйича уч кундан олти ойгача бўлган муддатга амалга оширилади ҳамда Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида уй-жой сотиб олиш, шунингдек доимий иш ва ижтимоий кафолатлар олиш учун асос ҳисобланмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча прописка олиш учун Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига келган кунидан бошлаб уч кун муддатда тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ИИВ томонидан белгиланган намунадаги ариза¹;
- яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;
- тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома – 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;
- уй-жой ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- прописка қилинганлик учун давлат божси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими барча ҳужжатларни олгач, бир кунда аризани белгиланган тартибда расмийлаштириб, ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги китобга² қайд этади ҳамда аризада кўрсатилган, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга вақтинча пропискани расмийлаштиради. Бунда яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати вақтинча прописка штампи қўйилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс муайян сабабларга кўра вақтинча пропискадан ўтган манзилини Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги бошқа манзилга ўзгартириш истагини билдирса, у ҳолда янги манзил бўйича тегишли ТШИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (паспорт) бўлимига мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги ариза³;
- яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;
- тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома – 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;
- уй-жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги).

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими барча ҳужжатларни олгач, бир кунда аризани белгиланган тартибда расмийлаштириб, белгиланган шаклдаги китобга⁴ қайд этгач, яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати қўйилган аввалги вақтинча пропискани бекор қилади ва аввалги вақтинча пропискада кўрсатилган муддатга вақтинча пропискани расмийлаштиради.

¹ Қаранг: 3-илова.

² Қаранг: 3-илова.

³ Қаранг: 3-илова.

⁴ Қаранг: 3-илова.

Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйларига ва шунга ўхшаш бошқа масканларга келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳисобга олиш улар келгач, ушбу муассасалар маъмурияти томонидан, яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати асосида амалга оширилади. Таълим муассасаларига ўқиш учун республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш ўқиш даврига олдинги яшаш жойидан пропискадан чиқарган ҳолда амалга оширилади.

